

2011 йил —

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ERURSEN SHOH, AGAR OGONSEN SEN, AGAR OGONSEN SEN, SHONSEN SEN

Хабар

50

(951)-son

10-dekabr

www.xabar.uz

info@xabar.uz

xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqq boshlagan

Тараққиётимиз таянчи

... Замонавий ахборот ва компютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрталарига, балки ҳар бир оилга жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Айнан замонавий алоқа ва ахборот технологиялари тизимини кенг қўламда ривожлантириш мамлакатимиз ва жамиятимизнинг тараққиёт даражасини кўрсатадиган мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Жорий йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида бугунги кунда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобил алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

2010 йилда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида кўп дастурли телевизион каналлари тарқатиш хизматларининг сифатини ошириш, халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш бўйича мутлақо янги имкониятлар яратадиган замонавий рақамли телевидение ишга туширилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

... Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи бўлиши шарт.

Президент
Ислом Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул
қилинганнинг 18 йиллигига
бағишланган тантанали
маросимдаги маърузасидан.

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ

Унинг афзаллик томонлари нимада?

ИМЗО

Йигирма биринчи аср ахборотлаштириш асри эканига тобора кўпчилик ишонч ҳосил қилмоқда. Бу, албатта, оммавий ахборот ва ҳамма билиши мумкин ва зарур бўлган ахборот ҳақида гап борганда ўта махфий ахборот оқимлари учун замонавий ахборот-коммуникация технологиялари қулайликлар билан бир каторда, янги муаммоларни ҳам ўртага қўймоқдаки, ахборот базаларида сақланадиган ва телекоммуникация тизимларида айланаётган ахборот хавфсизлигига таҳдид кескин ошди.



5-бет

Ушбу сонда:

- Мукофотлар топширилди 2
- Дахлдорлик туйғуси 3
- Роль и значение развития информационных технологий в системе государственного управления 6
- Сурат учун дақиқалар кифоя 13
- Хуқуқий маданият — асосий омил 14

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ХАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 декабр куни Оқсаройда Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби Хиллари Клинтонни қабул қилди. Суҳбат чоғида кўплаб йўналишларда икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларига доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 7 декабр куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчиладом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир” мавзусида маъруза қилди ва келатган 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилди.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримов фармонларига мувофиқ, юртимиз тараққиётига катта ҳисса қўшган, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз тинчлиги ва оқсоқилларини янада мустаҳкамлашда ўрнатилган ва намуна кўрсатган бир гуруҳ юрдошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. 7 декабр куни Оқсаройда Юртбошимиз Ислам Каримов бир гуруҳ юрдошларимизга ана шу мукофотларни тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 6 декабр куни Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари, Бангладеш Халқ Республикаси, Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ва Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Муҳаммад Ҳариб Бирид ал-Муҳайрибий, Моҳаммад Имран, Муваффақ Муҳаммад Аҳмад Ажлоуний ва Ёсхиса Курода ишонч ёрликларини топширди.

Тошкентда 3-4 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Икки кунлик мажлис давомида 24 масала, шу жумладан, 14 та қонун қўриб чиқилди.

Термиз шаҳрида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакатимизда маданиятлараро муносабатларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти барқарор ривожланишининг кафолатидир” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида Ассоциация Қонунимиз қабул қилинганлигининг 18 йиллигига бағишлаб “Конституция — бахтимиз пойдевори” мавзусида ҳуқуқий адабиётлар кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада 67 номдаги адабиётлар ҳамда ўнлаб газета ва журналлар намойиш қилинди.

Мукофотлар топширилди

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 18 йиллиги муносабати билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Агентлик, алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхона ва ташкилотлари, акциядорлик компаниялари раҳбар ва мутахассислари иштирок этди.



Йиғилишда ЎзААА Бош директори Ҳ.Муҳитдинов Ўз маърузаси билан қатнашиб, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимларини Конституция қуни билан табриқлади. Агентлик раҳбари республикамиз мустақиллиги йилларида эришилган ютуқлар, фуқароларимиз тафаккури ва дунёқарашида юз берган ўзгаришларни тилга олиб, бу борда Бош Қомусимиз — Конституция ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилганини алоҳида таъкидлади. Давлати-

миз суверенитети, демократия, диний бағрикенглик, ижтимоий алоқат, инсонпарварлик, халқ бахт-салоҳати кафолати саналган Конституция жамиятимизда тинч-осойишталикни мустаҳкамлашнинг бош омил эканлигига урғу берди.

Маълумки, Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра, бошқа соҳа вакиллари қатори алоқа ва ахборотлаштириш тизими ходимлари ҳам

давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишганди. Маросимда “Ўздунробита” МЧЖ хорижий ишлаб чиқариш корхонаси бош директори Бехзод Аҳмедов ва “Ўзбектелеком” АК “Тошкент телеграф-телефон станцияси” филиали директори ўринбосари Шухрат Каримовга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими” фахрий унвонлари тантанали равишда топширилди.

Ўз мухбиримиз

Ахборот хизматлари фаолияти муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, ҳуқуқшунослар, экспертлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ҳамда “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ахборот хизматлари томонидан ижросини назорат таҳлил тартибида ўрганиш яқунлари муҳокама қилинди.

Мазкур қонунлар ижроси қўмита ишчи гуруҳи томонидан ббта давлат ва хўжалик бошқаруви органи ҳамда маҳаллий ҳокимликлар тизимида ўрганилди. Ишчи гуруҳ раҳбари Ш.Дехқоновнинг маълум қилишича, бир қатор ишда ва ташкилотларда ахборот хизмати фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилган. Фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланиб, қонун ҳужжатлари ва тегишли материаллар веб-сайтларга жойлаштирилмоқда ва ОАВ орқали тарқатилмапти. Шунга қарамадан, аксарият ўрганилган субъектлардаги жорий ҳолатни қониқарли деб бўлмади. Хусусан, ўрганилган ббта субъектнинг фақат 57тасида ахборот хизмати фаолият кўрсатмапти, уларда ҳам матбот анжуманлари, брифинглар ўтказиш мунтазамликка эга эмас, веб-сайтларга ахборот жойлаштириш, уларнинг дизайни, қолаверса, бу сайтларни юритувчиларнинг билим даражаси замон талабларига жавоб бермайди. Ахборот хизматлари штатлар жадвали тўлиқ эмас, ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш етарли даражада эмас, ахборот хизматлари ОАВ билан ҳамкорликни яхши йўлга қўймаган.

Кенгайтирилган йиғилишда ахборот хизмати фаолияти танқид остига олинган давлат бошқаруви органлари ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг кун тартибидagi масала юзасидан ахборотлари эшитилиб, мавжуд камчиликларни баргараф этиш юзасидан уларга кўрсатмалар берилди. Хусусан, юқоридаги қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, ахборот хизматлари фаолиятини замонвий талаблар ва стандартларга мослаштириш, ОАВ билан матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказишда мунтазамликни йўлга қўйиш, илгор мамлакатларнинг ахборот хизматлари тажрибасини жорий этиш, илмий-услубий қўланмалар яратиш, кадрлар учун ўқув-амалий семинарлар ташкил этиш ва бошқа масалалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

Яқинда матбуотда 2010-2011 ўқув йили учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиялари танловни ғолиблари номи эълон қилинди.

Асрор — танлов ғолиби

Улар орасида Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси Асрор Асқар ўғли Зокировнинг ҳам борлиги қувонарлидир.

У 1990 йил 7 июлда Тошкент вилоятида туғилган. Тошкент ахборот технологиялари университети “Телекоммуникация” таълим йўналиши 4-босқич талабаси. 2009 йилда “Электротехниканинг назарий асослари” фанидан ўтказилган Республика фан олимпиадасида фахрли 3-уринни, “InfoCOM.uz” журнали томонидан “Мақола ёз — ASUS ноутбук эгаси бўл” танловининг “2009 йил талаба ёзган ахборот технологиялари тўғрисидаги энг яхши мақола” номинациясида фахрли 2-урини эгаллаган. Кўплаб компютер дастурлари, илмий мақолалар ва тезислар муаллифи. Инглиз тилини яхши билади.

Шу кунларда “Замонавий телекоммуникацион технологиялар, уларнинг афзалликлари, камчиликлари ва қўлланиш истиқболлари таҳлили” мавзусида иштирок олиб бормоқда.

Асрор Зокировни ушбу ютуқ билан табриқлаб, келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

Қутлуғ бўлсин!

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг буйруғига биноан, Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ташкил топганига 50 йил тўлиши муносабати билан ҳамда хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнатда эришган юқори кўрсаткичлари ва филокорона фаолиятларини рағбатлантириш мақсадига, Махсус авария-тиклаш бошқармасининг бир гуруҳ ҳарбийлари ва ходимлари муносиб тақдирландилар. Жумладан:

- Мобил алоқа воситалари алоҳида маркази бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари **Қосимов Жамшид Мирсанович**,

- Жанговор тайёргарлик ва қўшинлар хизмати бўлими штаб коменданги **Аҳмедов Бахтиёр Иркинович**,

- Ташкилий-сафарбарлик ва бутлаш бўлими етакчи ҳисобчиси **Морозова Светлана Викторовна**лар Агентликнинг “ФАХРИЙ ЁРЛИГИ” билан,

- Юридик хизмати бошлиғи — катта юрисконсулт **Абдуллаев Улғубек Адилбекович**,

- Мобил алоқа воситалари алоҳида маркази “Джейран-1” тезкор алоқа комплекси радиостанция техник ҳайдовчиси **Раҳмонов Толиб Туйчиевич**,

- Тиббиёт пункти 1-тоифали тиш шифокори **Бредихина Людмила Павловна**лар “ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ” белгиси билан тақдирландилар.

Xalqaro hayot



ЯДРО КОНТРАБАНДАСИГА ҚАРШИ

АҚШ ва Япония ҳамкорликда ядро полициясини ташкил қилмоқчи. Мазкур полиция радиоактив ашёлар контрабандасига қарши кураш, шунингдек, ядро материаллари тарқалиш манбаларини аниқлашнинг халқаро усулларини ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

АҚШ маъмурияти юқори лавозимли вакилининг маълум қилишича, ушбу структурага илмий экспертлар, Америка федерал-қидирув бюроси ходимлари ҳамда япон полициячилари киритилган. Унинг сўзларига кўра, радиоактив ашёлар тарқалиш манбаларини аниқлашни Вашингтон ҳам, Токио ҳам ядро қуролилари тарқалиши тартибини мустаҳкамлашда муҳим омил сифатида баҳоламоқда.

ЁНГИН БАРТАРАФ ҚИЛИНДИ

Исроилда юз берган ўрмон ёнгинлари бартараф этилди.

Маҳаллий ўт ўчириш бошқармаси томонидан маълум қилинишича, ёнгини бартараф этишга авиация ҳам жалб қилинган. Хусусан, бир вақтнинг ўзида 95 тонна сув билан ҳавога қўтариладиган Boeing 747 Super-tanker ўт ўчириш лайнери олов ўчоқлари тарқалиб кетишининг олдини олишда катта самара берган. Шунингдек, оловни ўчиришда АҚШ, Греция, Буюк Британия, Россия ҳамда Франциянинг самолётлари ва ўт ўчириш хизмати ходимлари ҳам иштирок этган.

Элатиб ўтамиз, мамлакатда 2 декабрда бошланган ўрмон ёнгинлари катта талафотларга сабаб бўлди. Табиий офат натижасида 41 киши ҳаётдан қўз юмган, қарийб беш минг гектар майдонга жиддий зарар етган. Ўн етти мингдан ортиқ одам эса тураржойсиз қолган.

ХАРБИЙ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

АҚШ ҳукумати ўзининг ракетага қарши мудофаа тизимини Полша ҳудудига жойлаштириш режасидан воз кечмоқчи эмас. Бу ҳақда икки давлат президентлари Барак Обама ҳамда Бронислав Коморовскийнинг қўшма баёнотида айтиб ўтилди. Шунингдек, президентлар 2008 йилдаги Америка-Полша стратегик ҳамкорлиги ҳақидаги декларация доирасида икки томонлама ҳарбий алоқаларни кенгайтиришга келишиб олдилар.

ЕВРОПА НОТИНЧЛИГИ САБАБИ

Европадаги молиявий аҳвол жиддий нотинчликларни келтириб чиқармоқда.

Яқинда барча бошидан ўтказган жаҳон молиявий-иқтисодий таназзули ҳали ўз поёнига етмаган, эски дунёнинг молиявий ҳолати жиддий нохушликларни келтиришда давом этмоқда, дея маълум қилган Халқаро валюта фонди мувофиқлаштирувчи директори Доминик Стросс-Кан БМТдаги чиқишида.

Унинг фикрича, молиявий назорат ҳали ҳақиқатдан йироқ ва барча мамлакатларни таназзулнинг ўткир таъсиридан бартараф этиш ҳақида гапиришга эрта. ХВФ раҳбари қийин молиявий аҳволга тушиб қолган айрим мамлакатлар, хусусан, Греция ва Ирландияни мисол сифатида келтирди. Айни дамда, таъкидлади у, таназзул нафақат Европани, дунёнинг бошқа давлатларини ҳам ташвишлантирмоқда.


Стросс-Кан евро ҳолатини ҳам таҳлил қилар экан Европанинг ягона пул бирлиги ҳавф остида эмаслигига ишонч билдирди ва “Мен евро учун қандайдир таҳдид бор деб ўйламайман”, деди.

ЭСТОНИЯДА ВИРУС

Эстонияда “чўчка гриппи” номи билан танилган А(H1N1) вирусини юқтирган биринчи ҳолат аниқланди. Мамлакат соғлиқни сақлаш департаменти касаллик ҳолатини тасдиқлади.

Департамент маълумотига кўра, вирус билан хасталанганлар орасида юқори нафас олиш йўлининг яшиланиши ҳафта давомида 12 фоизга ошган. Шифокорларга жами 4567 нафар бемор мурожаат қилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи болалардир.

Интернет материаллари асосида тайёрланди



СУПЕРКОМПЮТЕРЛАР ПОЙГАСИ

Ким ғолиб бўлади: Хитойми ёки АҚШ?

АҚШ суперкомпютерлар ишлаб чиқаришдаги пойгада ўз етакчилигини қайта тикламоқчи.

Америкалик олимлар тезлиги минг мартага оширилган дунёдаги энг зўр компютерни яратишга ишониммоқда. Ҳозирча дунёдаги 500 та энг яхши суперкомпютерлар рейтингда қуввати 1 терафлопс бўлган Хитойнинг Tianhe-1А тизими етакчилик қилиб турибди.

Wall Street Journalнинг ёзишича, Хитойда дунёдаги энг тезкор компютернинг яратилиши америкалик ҳукумат муассасалари ва компанияларини АҚШнинг иқлимни тадқиқ этиш, дизайн, шунингдек, ҳарбий мудофаа соҳаларида ҳал этувчи омил ҳисобланган технологиялар бозорида етакчиликка қайтиши ҳақида ўйлашга мажбур қилди. Улар хитойлик муҳандисларни ўзиб ўтиш ва бугунги кунни энг тезкор қувватга эга компютер билан таъминлашга ишонч билдиришмоқда. “Бундай компютерни ҳаётга табиқ этиш учун гигаваат энергия талаб этилади, бу эса атом электростанцияси қуввати билан баробардир”, — дейишмоқда америкалик муҳандислар.

Хитойда чоп этиладиган «Жэнмин жибао» газетасининг ёзишича, 14 ноябрда TOP-500 халқаро ташкилотининг расмий сайтида 500та суперкомпютернинг жаҳон рейтингига эълон қилинган ва ушбу рейтингда Хитойнинг 1 терафлопс қувватли Tianhe-1А суперкомпютери биринчи ўринни эгаллаган эди.

Tianhe-1А суперкомпютери Хитой Миллий мудофаа академияси томонидан 2009 йилнинг октябрида яратилган ва Тяньцзин давлат экстра-класс математик ҳисоблаш марказига жойлаштирилган эди.

Tianhe-1А пайдо бўлгунича дунё бўйича қуввати 1 Пфлопсдан юқори бўлган фақат учта машина — АҚШда IBM томонидан ишлаб чиқарилган Jaguar Cray ва Roadrunner, шунингдек, Хитойнинг Nebulae ҳисоблаш машинаси фаолият юритган.

Хитойлик олимлар беш йилдан сўнг қуввати 50-100 петафлопс ёки сонияда квадриллион илмий ҳисоблашларни амалга оширадиган компютер яратишни мақсад қилиб олишган. 2016-2020 йиллар беш йилгида эса қуввати 10 эксафлопс ёки сонияда квинтиллион амални бажара оладиган машина яратиш Хитой режасига киритилган.

Фақат Хитой суперкомпютерлар сони

бўйича ортада қолмоқда. Дунёдаги энг тезкор 500 компютер рўйхатида АҚШнинг 74 та ва Европанинг 125 та машинаси (булар ичида немис ва французларнинг ҳам 26 тадан компютерлари) киритилган. Мазкур рўйхатдан Осиенинг 84 та электрон ҳисоблаш машинаси ўрин олган бўлиб, 42таси Хитой улушига тўғри келади.

АҚШ энергетика вазирлиги лабораториясида ҳам эксафлопс даражасида ҳисоблашларни амалга ошира оладиган қувватга эга компютер яратиш устида изланишлар олиб бориляпти. Ок-Ридж миллий лабораторияси ходими Томас Зэчария бундай йирик лойиҳани молиялаштиришни 4-5 миллиард долларга баҳоламоқда. Айни дамда ушбу университет муҳандислари суперкомпютерлардан ядро қуроли портлашини моделлаштиришда фойдаланмоқда.

Лекин рақобат шартлари анча мураккаб. Суперкомпютерлар ишлаб чиқариш технологияларидаги келгуси қадамлар муваффақияти “бутун бошли миллиардлаб электрон миляр”ни яратишни талаб қилади. Бундан аввал параллел равишда дастурлаштириш бўшлигини ҳал этиш керак, шундагина бўлажак суперкомпютерлардан фойдаланса бўлади. Фақат бу каби кенг масштабдаги лойиҳани молиялаштириш АҚШ конгрессида Америка бюджети дефицитидан хавотирга тушаётган республикачилар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги мумкин.

Айтиш жоизки, Россияда ҳам суперкомпютер яратишга уринишлар бор. Айни дамда россиялик олимлар 100 терафлопс иш бажарадиган, яъни амалиёти бир сонияда 100 триллионга тенг машинани яратишни яқунлаш арафасида. Бу компютер ҳатто шу йил охиригача пайдо бўлиши мумкин, фақат лойиҳани яқунлаш учун 65 миллион рубл талаб қилинмоқда.

Олимларнинг ишонч билдиришича, рус компютерлари кам энергия сарфлайдиган ва импортга нисбатан анча арзон бўлган янги архитектура тамойиллари асосида тайёрланади. Россия бу суперкомпютерларни мудофаа ҳамда аэродинамика соҳаларида мураккаб ҳисоблашларни амалга оширишда қўлламоқчи.

Жорий йилнинг октябри ниҳоясида Россия ва АҚШ физиклари гуруҳи ҳамкорлигида ахборотларни нур ёрдамида жўнатиладиган квант қуримаси яратилган эди. Ушбу ишланма квант компютерлар тайёрлашни яқинлаштириши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Кейинги вақтда, айниқса, интернет пайдо бўлгандан бошлаб, ахборот ўнгирлаш, ахборот мазмунини бузиб қўйиш, эгасидан износиз ўзгартириб қўйиш, тармоқ ва серверлардан берухсат фойдаланиш, тармоққа тажовуз қилиш, аввал қўлга киритилган узатмаларни қайта узатиш, хизматдан ёки ахборотта дахлдорликдан бўйин товлаш, жўнатмаларни рухсат этилмаган йўл орқали жўнатиш ҳоллари кўпайди. Натигада ахборот хавфсизлиги муаммоси Ўзбекистон Республикаси шун ҳам долзарб муаммога айланди. Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»-ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»-ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»-ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»-ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида»-ги фармони ва 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори бу боралдаги муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасида «Электрон рақамли имзо тўғрисида»-ги оқун 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуннинг мақсади электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Хўш, электрон рақамли имзо қандай бўлади?

Электрон рақамли имзо бу электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очик калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо бўлиб, у аёнанавий қўлда қўйиладиган имзо билан бир хил аҳамиятга эга.

Электрон рақамли имзони фақат битта ҳужжат билан боғлаш муаммоси мавжуд бўлиб, уни ҳал этишда очик калитли криптограммалар жуда қўл келади ва электрон рақамли имзони шакллантириш учун ёпиқ калит, электрон рақамли имзо ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун эса очик калитдан фойдаланилади.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, фақат имзо кўювчи шахсининг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлигидир.

Электрон рақамли имзонинг очик калити деганда электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»-ги қонунини амалга ошириш мақсадида

республикада электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази инфратузилмасини ташкил этиш ишлари олиб борилди. Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази очик калитлар инфратузилмасининг асосий компоненти ҳисобланади, уни ташкил этмасдан туриб очик калитлар инфратузилмасини ривожлантириш ва шахсининг ҳақиқийлигини тасдиқлашни таъминлаш мумкин эмас.

электрон рақамли имзо калитининг сертификати берилётганда, у рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Кўпгина ривожланган давлатлар ахборот-телекоммуникация тармоқларида махфий ахборотларни хавфсиз узатиш ва электрон рақамли имзо яратишда ўз миллий стандартларидан фойдаланмоқдалар. Бундай стандартлар АҚШ, Россия, Корея, Германия

- суд можароларида электрон шаклдаги ҳужжатлардан ёзма исбот сифатида фойдаланиш мумкин;
- корпоратив тармоқ орқали иш юритиш жараёнида ҳужжат ижрочиларининг рад эта олмаслигини таъминлайди;
- ахборот интернет тармоқлари орқали ошқора юборилганда унинг бутунлиги ва конфидентциаллигини таъминлайди.

Бугунги кунда республикаимзда

ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ

Унинг афзаллик томонлари нимада?



ИМЗО

электрон рақамли имзони самарали қўллаш учун зарурий ҳуқуқий база яратилган, миллий очик калитлар инфратузилмаси шакллантирилиб, зарур воситалар ишлаб чиқилмоқда. Электрон рақамли имзони барча жойларда кенг қўллаш мақсадида ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолиятини янада кенгайтириш, уларни халқаро талабларга мувофиқ жиҳозлашни яхшилаш ва мамлакатимизда электрон ҳужжат айланиши инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда молиявий инқироз кечаётган бир пайтда электрон ҳужжат айланиши ва электрон рақамли имзони иқтисодиётимизнинг барча соҳаларига кенг жорий қилиш улкан иқтисодий самардорликка эришиш ҳамда маҳсулот ва хизматлар таннархини пасайтиришга имкон бериши мумкин. Шунингдек, давлат бошқарувида ва ижтимоий соҳаларда ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг фаолиятида тезкорлик ва натижавийликнинг ошишига, юқори сифатли хизматлар кўрсатишга олиб келади. Электрон рақамли имзо қорғосиз ҳужжат алмасуви жараёнида аёнанавий муҳр ва имзо ўрнини босади. Электрон ҳужжат айланишидан фойдаланиш корхона ва ташкилотларда иш юритиш ишларини такомиллаштирилади, иш самарадорлигини оширади ва бошқарув сифатини яхшилайдди. Ходимларнинг вазифаларини ўз вақтида бажариш назоратини кучайтирганлиги туфайли, уларнинг ишга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартирилади. Бундан ташқари, бошқарув фаолиятини ҳужжатлар орқали таъминлаш билан боғлиқ харажатларни камайтиради. Электрон рақамли имзо давр билан ҳамнафас тарзда фаолият олиб борувчилар учун самарали ечимдир.

Электрон рақамли имзони амалиётта кенг татбиқ этиш Ўзбекистон Республикасининг шаклланаётган глобал ахборот жамиятида муносиб ўрин эгаллашига имкон беради.

Ойдин АХМЕДОВА,
«UNICON.UZ» ДУК криптография
илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи,
техника фанлари номзоди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларини рўйхатдан ўтказувчи махсус ваколатланган органи этиб белгиланди.

Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази махсус ваколатли органда давлат рўйхатидан ўтган ва ушбу қонунда назарда тутилган вазифаларни бажараётган юридик шахсдир.

Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очик калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очик калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очик калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдан иборат бўлади. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати рўйхатга олиш маркази томонидан берилади.

Электрон ҳужжат шаклидаги

ва бир қанча давлатларда ишлаб чиқилган. Масалан, электрон рақамли имзо шакллантириш учун АҚШда RSA, DSA ва ECDSA, Европада Shnorr, Беларусда СТБ 1176.2-99, Украинада ДСТУ 4145-2002, Россия Федерациясида ГОСТ 34.10-94 ва ГОСТ Р 34.10-200, Японияда ESIGN алгоритмлари қўлланилади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, хоризга экспорт қилинадиган дастурий маҳсулотларда миллий стандартлар қўлланилмайди, етарли даражада бардошлиликка эга бўлмаган криптографик воситалар қатнашади. Шу сабабдан Ўзбекистон Республикасида ҳам миллий криптографик алгоритмлар яратиш ва уларни такомиллаштириш вазифалари амалга оширилди. 2003-2004 йилларда Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижасида дастлабки O'z DSt 1092:2005 «Ахборот технологияси. Ахборотнинг криптографик муҳофазаси. Электрон рақамли имзони шакллантириш ва текшириш жараёнлари» Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Электрон рақамли имзони замонавий техника воситалари ёрдамида қисқа вақт ичида сохталаштириш имкони мавжуд эмас. Бунинг учун жуда катта миқдордаги ҳисоблаш сарфлари ва вақт талаб қилинади.

Ахборот тизимларида электрон рақамли имзо технологияларидан фойдаланиш қуйидаги муаммоларни ҳал этиш имконини беради:

- ахборот алмасувида ишончли аутентификацияни таъминлайди;
- электрон ҳужжатга юридик мақом беришни таъминлайди;

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ

РАЗВИТИЯ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В СИСТЕМЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ

В Центре UZINFOCOM прошел учебный семинар «Роль и значение развития информационных технологий в системе государственного управления», организованный при содействии Узбекского агентства связи и информатизации.

Целевой аудиторией семинара стали представители Центров компьютеризации Совета Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятов областей и г.Ташкента.

Целью организации семинара явилось ознакомление с различными направлениями и тенденциями развития современных информационных технологий в государственном управлении как в мире, так в Узбекистане, а также обмен опытом между участниками семинара.

На семинаре были рассмотрены приоритетные задачи государственной

политики в сфере формирования правовых и технологических основ для внедрения в деятельность государственного сектора методов управления с использованием новых информационно-коммуникационных технологий. Кроме того, программой семинара было предусмотрено изучение вопросов внедрения и использования электронного документооборота в органах государственного управления и власти, применение электронной цифровой подписи, роль официальных сайтов государственных органов

в сети Интернет, формирование и развитие государственных информационных ресурсов и систем и др.

На семинаре были освещены такие темы как: «Нормативно-правовая база по внедрению и развитию ИКТ в государственном управлении», «Правительственный портал Республики Узбекистан в сети Интернет: текущее состояние и перспективы развития», «Сайты органов государственной власти Республики Узбекистан в сети Интернет как ключевой элемент формирования электронного правительства», «Международный опыт и успешные примеры внедрения информационных технологий в системе Электронного правительства», «Центр Единого Окна при Хокимияте Сергелийского рай-

она г.Ташкента: новый подход в обслуживании граждан», «Применение ЭЦП в системе электронного документооборота», «Политика информационной безопасности» и др.

В целом семинар позволил проанализировать актуальные вопросы и достижения в области развития информационных технологий в системе государственной власти и управления, предоставить участникам семинара ряд рекомендаций по дальнейшему внедрению и совершенствованию информационно-коммуникационной среды в государственных структурах, а также мероприятия позволило провести обмен мнениями и опытом в этом направлении.

Пресс-служба
UZINFOCOM

Рекорд по спаму установил уходящий 2010-й

Девять из десяти последних по электронной почте в этом году были письмами с нежелательной рекламой.

Такую статистику привела компания Sumantec («Симантек»). Отмечается, что несмотря на усилия специалистов в области информационной безопасности, за год количество спама выросло.

Больше 95 миллиардов писем, посланных в этом году, принадлежали к наиболее опасной категории спама, которая классифицируется как «фишинг». То есть сообщения инфицированы шпионскими программами, которые собирают информацию об учёных записях и паролях пользователей. Специалисты Sumantec признали, что хакеры идут на шаг впереди производителей защитных систем.

Почти 340 тысяч разновидностей «червей», вирусов и прочей компьютерной «нечисти» было выявлено в рассылках этого года.

Кроме того, все более распространенным явлением становятся спам-рассылки внутри таких социальных сетей, как Facebook, Myspace, Twitter и российской Вконтакте.

Google представила собственную операционную систему Chrome OS

Во вторник Google представила свою давно обещанную операционную систему — Chrome OS. Ее главное достоинство, уверяет компания, это скорость. Главный недостаток, известный уже сейчас: машины, оборудованные новой ОС, появятся в продаже только через полгода.

О разработке Chrome OS было объявлено еще летом 2009 года. Уже тогда была известна ее главная особенность: фактически система построена на основе браузера Chrome и приспособлена исключительно для работы с онлайн-приложениями. Даже офисные программы открываются в Chrome OS как закладки в браузере.

УВЕРЕННЫЙ РОСТ ВСЕХ ОСНОВНЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ

Выручка «ВымпелКома» в Узбекистане в третьем квартале 2010 года составила 53,8 млн. долларов США, что на 4,7% больше аналогичного показателя второго квартала и на 7,4% опережает результаты годичной давности.

2 декабря 2010 года один из ведущих международных провайдеров телекоммуникационных услуг «ВымпелКом Лтд.» (торговая марка «Билайн») объявил свои финансовые и операционные результаты за III квартал.

Чистая операционная выручка компании в Узбекистане составила 53,8 млн. долларов США, увеличившись по сравнению со вторым кварталом на 4,7% (с 51,4 млн. долларов). При этом рост выручки в основном сегменте мобильной связи составил 5,1% (\$51,4 млн против \$48,9 млн. во втором квартале).

Скорректированный показатель OIBDA (операционная прибыль до вычета износа основных средств, амортизации нематериальных активов и убытков, связанных с обеспечением активов) в Узбекистане вырос на 9% по отношению ко второму кварталу (с \$20,1 млн. до \$21,9 млн.). Одновременно маржинальность операций увеличилась за квартал на 1,6%.

Количество абонентов мобильной связи в Узбекистане на конец сентября составило 4 398 000 человек, обеспечив рост числа абонентских договоров в третьем

квартале более чем на 400 000 (+10%). «ВымпелКом Лтд.» по-прежнему не предоставляет данных по доле рынка в связи с использованием разными сотовыми операторами различных методов учета оттока абонентов, что приводит к разночтениям в отчетности и отсутствию репрезентативности итоговых цифр.

Средний счет на одного абонента мобильной связи за месяц (показатель ARPU) в третьем квартале остался без изменений, составив \$4,1. В свою очередь, показатель MOU (количество использованных минут на одного абонента в месяц) вырос на 1,2% (387,7 минуты по сравнению с 383 во втором квартале).

Консолидированная выручка «ВымпелКом Лтд.» в третьем квартале достигла 2,82 миллиарда долларов США, увеличившись по сравнению с аналогичным периодом прошлого года на 24,1%. Скорректированная OIBDA определена в размере 1,4 миллиарда долларов США, а консолидированная маржа OIBDA составила 48,8%.

Общее число абонентских договоров в мобильном сегменте выросло до 92 миллиона человек,

а число абонентских договоров в сегменте широкополосного доступа — до 3,1 миллиона.

Выручка от операций в СНГ продолжила рост, увеличившись с 336,2 млн. долларов США во втором квартале до 361 млн. долларов США в отчетном периоде (+7,4%). Консолидированная мобильная и фиксированная маржа OIBDA от операций в СНГ сохранилась на высоком уровне, достигнув 48,8%, что на 0,6% выше показателя предыдущего квартала.

Капитальные затраты в СНГ составили 78,3 миллиона долларов (рост 10,9% по отношению ко второму кварталу), существенная часть которых была направлена на строительство сетей третьего поколения в Узбекистане (в конце августа были запущены в тестовую эксплуатацию сети 3G сразу в 5 городах Ферганской долины).

«Результаты третьего квартала являются отражением макроэкономической ситуации в странах нашего присутствия, консолидации «Киевстар» и влияния сезонного фактора, типичного для летнего периода. Квартальная выручка достигла 2,8 миллиарда долларов США, а маржа OIBDA осталась в рамках диапазона между 45% и 50%» — прокомментировал итоги III квартала Генеральный директор «ВымпелКом Лтд.» Александр Изосимов.

ЮГО-ЗАПАДНОМУ РЕГИОНАЛЬНОМУ ФИЛИАЛУ «БИЛАЙН» — 4 ГОДА


«Билайн» подводит итоги четырех лет работы Юго-Западного регионального филиала (ЮЗРФ) «Unitel», обслуживающего территорию Бухарского и Навоийского вилоятов. За это время абонентская база филиала выросла более чем в десять раз.

«За четыре года работы нам удалось собрать блестящую команду, благодаря которой мы и достигаем высоких показателей», — отметил Директор ЮЗРФ «Unitel» Гулям Артыков. — Именно наш филиал стал флагманом интеграции «Unitel» и «Buzton», запустив оптоволоконные сети в Зарафшане и Учкудуке. Кроме того, с 2006 года мы рас-

ширили нашу базовую сеть GSM более чем в пять раз, обеспечив высокое качество связи. В ближайших планах у нас — развитие скоростного мобильного интернета и новых уникальных предложений».

Индивидуальный подход к корпоративным клиентам стал для многих компаний региона решающим аргументом в пользу «Beeline Business». Так, корпоративной связью «Билайн» в Бухарской и Навоийской областях пользуются тысячи абонентов таких крупных организаций, как ОАО «Навоизазот», АО «Кызылжумецмент», Бухарский нефтеперерабатывающий завод и др.


Робот-оператор



Риганинг йирик савдо марказларида Mana pasta stacija ўз-ўзига хизмат кўрсатиш электрон стендлари — роботлашган кичик почта бўлимлари ишга туширилди. Жўнатмани юбориш учун олувчининг манзили, исм-фамилияси ва пакетда нима борлиги қурилмага киритилса (Латвия ёки Европа Иттифоқи доирасида) кифоя.

Шундан сўнг фойдаланувчи жўнатма катта-кичиклигига мос равишда уни ўша ердаги шкаф хоналаридан бирига қўяди. Бу ерда жўнатма оғирлиги ўлчаниб мижозга чек берилади. Банк картаси ёрдамида тўлов амалга оширилганидан сўнг принтер олувчи ва жўнатувчи номи қайд этилган ёрлиқни чиқариб беради, ёрлиқ жўнатма юзасига ёпиштирилади. Шундан сўнг шкаф эшиги автоматик равишда ёпилади — жўнатма тайёр (автоматнинг ўзи почта бўлимига юк борлиги ҳақида хабар жўнатади).

Эътиборли жиҳати шундаки, робот-оператор ёрдамида маҳсулотни нафақат жўнатиш, балки олиш ҳам мумкин. Айниқса, интернет-дўконлардан харид амалга оширилганда жуда қулай: харидор буюртма беради, бандерол у белгилаган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш автоматига келиб тушганидан сўнг унинг мобил телефонига буюртмасини олиши мумкинлиги ҳақида SMS-хабар келади. Автоматга бориб тегишли код киритилса ва тўлов амалга оширилса бас, шкаф хонаси очилади — маҳсулот харидор қўлида.



Ҳинд почтаси

ишга жойлаштиради

Ҳиндистон почта департаменти (DoP) ҳукумат ташкилотларига янги маҳсулот — рекрутмент учун хизматлар пакетини тақдим этмоқда. Унга кўра, DoP фуқароларга тайёр шаклдаги резюмеларни тақдим этади ва тўлдирилгандан сўнг манзилга етказилади.

Айни пайтда мазкур хизматни кўрсатиш юзасидан мамлакат полиция бошқармаси ва чегара хизмати билан келишув имзоланган. Янги хизмат йирик шаҳарлардаги 1000дан ортиқ почта бўлимларида йўлга қўйилган бўлиб, улар томонидан ойига ўртача 3,1 миллионга резюме-шакл сотилапти.

Келгусида хизматни ташкилотлар, жумладан, хусусий компаниялар ўртасида ҳам оммалаштириш, почта ходимларини DoP орқали ишга жойлаштириш истагидаги фуқароларга хизмат кўрсатишга ўқитиш режалаштирилган.

QISQA SATRLARDA



Миллий почта

хусусийлаштирилади

Грузия иқтисодиёт вазири айни вақтда давлатга қарашли миллий почта хизматини хусусийлаштириш режалаштирилётганини маълум қилди. 2010 йил 1 декабрига қадар инвесторлардан тақлифлар қабул қилинди.

Почта ва курерлик хизматлари, шунингдек, пул ўтказмалари хизматларини тақдим этаётган Грузия почтаси 100 минг квадрат метр умумий майдонга эга алоқа бўлимларидан ташкил топган.

An Post онлайн-дўкони

Ирландия почтаси (An Post) онлайн-дўкон фаолиятини йўлга қўйди. An Post ўз сайти орқали почта билан шартномага эга 600дан ортиқ халқаро ва миллий компаниялар маҳсулотлари савдосини амалга оширади. Веб-сайт iловeshopping.ie (мен харид қилишни яхши кўраман) деб номланган бўлиб, кўплаб ташриф буюрувчилар орттиришга улгурди.

Почта хизмати мутасаддилари сайт жуда керакли пайтда — Янги йил арафасида ишга туширилганини айни муддао бўлди дейишмоқда. Бу сайт компания даромадига даромад кўшиши шубҳасиз.



Янги хизмат самараси

Эстония почтаси Ҳисоблар тақдим этиш маркази (E-Invoicing Centre) хизматлари ижобий самара бераётганини маълум қилди. Бу борада 800дан зиёд корхона билан ҳамкорлик келишувига эришилган.

“Энг асосийси — мазкур жараённинг қулай ва осонлиги, — дейди Эстония почтаси инфологистика бўлими раҳбари Тоомас Турк, — компания сайтда қайд этилиши учун атиги беш дақиқа сарфланади. Бизнинг марказимиз мамлакатимиздаги турдош хизмат кўрсатувчилар орасида энг йиригига айланди.”

Хатлар энди

смартфонларда

Кишилар мулоқотда қоғоз хатлар ўрнига электрон кўринишдагиларидан кўпроқ фойдаланишга Австралия почтасини янгича ишлашга ундади.

Компания маълумотларига кўра, унинг мижозларининг аксарият қисми почта хизматларидан фойдаланиш учун смартфонлардан фойдаланишга эришди. Масалан, почта сайтига кирадиганларнинг 9 фоизи ана шу қурилмаларни ишлатишади. Ҳисоб-китобларга қараганда, бундай мижозлар улуши яна беш йил ўтиб 50 фоизга етиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шуларни ҳисобга олган Австралия почтаси iPhone ишлатувчилар учун почта кодлари ва почта тарифларини ҳисобловчи иловасини тақлиф этди.



Samsung ДАН ЯНГИ ПРИНТЕРЛАР

Samsung Electronics компанияси кичик ва ўрта бизнес учун мўлжалланган ўзининг ML-3310 ва ML-3710 сериали янги принтерларини МДХ бозорига чиқармоқчи.

Таъкилланишича, принтерлардан фойдаланиш оддий ва самарали, юқори ишончлили билан ишлаши офислардаги ишларни жалаллаштиради ва енгиллаштиради. Сир эмас, принтер танлашдан ундан узоқ муддат фойдаланиш сингари жиҳатлар харидорлар учун жуда муҳим.

Ишлаб чиқарувчилар мазкур қурилмадан фойдаланиш жуда енгиллик яратишини тасдиқламоқда. Принтерда ўз-ўзини ташхислаш тизимининг мавжудлиги боис инсталл муаммо тез ва самарали ҳал этилади. Қоғоз учун мўлжалланган қўшимча қайиқчаси орқали қоғозни 520 араққача кўпайтириш мумкин. Шу орқали қоғоз жуда кам алмаштирилади.

Эътиборли томони шундаки, Samsung ML-3310 ва Samsung ML-3710 шовқин даражасини 52 дБ гача камайтириб, хонада қулайликни таъминлайди. Олд панелидаги Есо тугмачаси тонер тежаш тартибини назорат қилади. Бундан ташқари, принтерларнинг ишлаш тезлиги жуда юқори бўлиб, Samsung ML-3310 бир дақиқада 31 саҳифагача, Samsung ML-3710 эса 35 саҳифагача (А4 ҳажмидаги қоғоз ишлатилганда) қоғозни чоп этади.

Принтерлар 2011 йилнинг январидан сотува чиқарилади.

Acer ЕТАКЧИ БЎЛМОҚЧИ

Тайваннинг Acer компанияси 2011 йилда дунё компьютер ишлаб чиқариш бозорига етакчилиكنи қўлга олмақчи.

Компания президенти ва бош директори Жанфранко Ланчи Swiss нашрига берган интервюсида компанияси келаси йилда жаҳон бозорига компьютерлар етказиб бериш ҳажми бўйича HP компаниясидан ўзиб ўтишига умид билдираётганини таъкидлаган.

Унинг хабар беришича, агар мобил бозоридagi ўсиш давом этса, Acer, шубҳасиз, Hewlett-Packardни компьютер ишлаб чиқариш тармоғидagi етакчиликдан сиқиб чиқаради. Шунингдек, Ланчи компанияси шу йилнинг ўзида миллиондан ортиқ телефон етказиб беришига ишонч билдирди.

Motorola ТАРКИБИДА ЯНГИ КОМПАНИЯЛАР

Американинг телекоммуникация жиҳозлари ишлаб чиқарувчи Motorola компанияси вакиллари компаниянинг 2011 йил 4 январдан икки мустақил қисмга бўлинишини маълум қилди. Янги ташкил этиладиган компанияларнинг биринчиси Motorola Solutions деб номланиб, телекоммуникация учун турли профессионал маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Motorola Mobility номи оладиган иккинчи компания эса кенг оммага мўлжалланган мобил телефонлар, смартфонлар, мижозлар учун бошқа қурилмалар, шунингдек, турли сервисларни тақдим этишга йўналтирилган.

Motorola учинчи чоракда юқори ўсиш кўрсаткичларига эришишига қарамай, узоқ муддат ўзи учун мураккаб бўлган шартлар устида иш олиб борди. Юқорида айтиб ўтилган янги компаниялар бошқарувдаги камчиликларни тўлдиршга ва компаниянинг янада самарали ишлашига хизмат қилади.

Келажак пойдевори

Баркамол авлод йили деб ном олган 2010 йил нихоясига етиб, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланганидан янги 2011 йил остонасида турибмиз. Ана шундай кутлуқ кунларда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиётининг концепциясини белгилаб берди.

Комил ишонч ва фахр-ғурур билан айтиш мумкинки, мустақил ривожланиш йилларида — тарихан қисқа бир даврда юртимиз улкан муваффақиятларга эришди, натижада мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, кўлга киритилган ютуқларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан қайта-қайта эътироф этилмоқда. Бир сўз билан айтилса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан собитқадамлик билан олға бормоқдамиз.

Бироқ, Президент И.Каримов маърузасида таъкидланганидек: “Бу йўлда дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самардорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин”.

Бинобарин, жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган ҳозирги паллада биз ўз фаолиятимизни тўғри баҳолашимиз, олиб бораётган ишларимизга ҳолисона ва танқидий ёндашимиз мақсадга мувофиқдир.

Шу жиҳатдан олганда, биз фаолият юритаётган Тошкент ахборот тех-

нологиялари университети ва унинг филиаллари, шунингдек, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам, кўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда, анчагина камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди. Ўтган ой мобайнида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, ТАТУ ректори Ҳ.Муҳитдиновнинг филиаллар ҳаёти билан яқиндан танишиб, улар фаолиятини кенг кўламли танқидий таҳлил этгани айни мудида бўлди. Жумладан, ТАТУ ва унинг филиаллари ўртасида узлуксиз алоқанинг заифлиги, кадрлар тайёрлаш масалалари, ўқув жараёнларининг олиб борилиши, филиалларда локал тармоқлардан фойдаланиш старли даражада амалга оширилмаётганлиги, лаборатория хоналарининг тегишли жиҳозлар билан таъминланмаганлиги, соҳа ташкилотларида талабаларнинг амалиёт ўтишларига етарлича аҳамият берилмаётганлиги битирувчи талабаларнинг етук кадрлар бўлиб етишишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Танқидий таҳлилда, шу билан бирга, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилади. Олий таълим нафақат таълим-тарбия маскани, балки, энг аввало, илм ўчоғи эканлигини ҳаммиса ёдда тутмоғимиз лозим. Бу дегани, олий ўқув

юртида дарс бераётган шахс илмий-тафаккур эгаси сифатида мунтазам равишда илмий тадқиқот ишлари олиб боришга лаёқатли бўлиши, айни пайтда, ўз талабларида ҳам илмий излашлар қилишга ҳавас уйғотмоғи лозим. Афсуски, бу оддий талаб кейинги йилларда бир қадар унутилди, натижада олий ўқув юртлирида илмий даражага эга бўлган ўқитувчилар сони анча камайди. Ҳолбуки, ҳимояга олиб чиқилган ҳар бир илмий-назарий тадқиқот унинг муаллифининг ҳам, у меҳнат қилаётган ўқув муассасасининг ҳам илмий фаолияти маҳсули, интеллектуал салоҳияти тақдиротидир.

Бош директор яна бир фикрни ўртага ташлади. Фақат профессор-ўқитувчиларгина эмас, бўлажак мутахассислар ҳам илмий-тадқиқот билан жиддий шуғулланишлари лозимлиги уқтирилди. Ҳолбуки, Ўзбекистон тараққиёти яқин келажакда ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ҳам илмий даражага эга бўлишларини тақозо этмоқда.

Шу ўринда битирув малакавий иши ва магистрик диссертацияларини шакллантириш масаласини алоҳида тилга олиш зарурати бор деб ўйлайман. Гап шундаки, битирувчи талаба тайёрлаган малакавий иш ёки диссертация тўрт йиллик бакалаврият ва икки йиллик магистратура босқичларининг натижаси, талабанинг илмий

раҳбари бошчилигида тайёрлаган дастлабки мустақил тадқиқоти. Бинобарин, унга раҳбарлик қилиш профессор-ўқитувчидан катта масъулият талаб қилиши, шубҳасиз. Таассуфки, бу борада ҳам бир талай камчиликларга йўл қўйиб келинди: мавзулар долзарблиги ва аввал ишланганлиги етарли ҳисобга олинмади, раҳбар танлашда лоқайдлик қилинди, бу муҳим ишда корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмади. Ҳолбуки, ўқув жараёнига алоқа корхоналарининг малакали мутахассисларини жалб этиш, уларни БМИ ва МД тайёрлашидаги иштирокини фаоллаштириш бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Юртбошимиз маърузасида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотини ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этиши, бу эса Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шартли эканлиги алоҳида таъкидланган.

Биз, ТАТУ Фарғона филиали профессор-ўқитувчилари, мамлакатимиздаги демократик ўзгаришларни янада қучураштиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланаётган янгиликлар билан ишлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш устида изланишлар олиб бормоқдамиз.

Р.ТЕШАБОВЕВ,

ТАТУ Фарғона филиали директори

Ахлоқий тарбия

Бола ўз табиатига кўра нозик, раҳмдил ва самий. Лекин унда бу хусусиятларни бир умрга мустаҳкамлаш талайгина меҳнатни талаб этиши ҳеч кимга сир эмас. Албатта бунинг дебوحасини, авваламбор, ота-она бошлаб беради ва кўпинча айнан шу “йўлни” бошқалар давом эттиради. Буларга боғча, мактаб, маҳалла, жамоа ташкилотлари, атроф-муҳит, дўсту ёрлар ва бошқалар кирди. Боланинг ўсиш жараёнида ота-она ўта зийрак бўлиши талаб қилинади.

Кўпинча болани неча ёшдан тарбиялаш керак, деган савол туғилади. Болага туғилгандан бошлаб эътиборли бўлиш, уни барча, ҳаттоки, энг кўзга кўринмайдиган ҳаракатларини ўрганиш шарт. Масалан, чақалоқ ўта йиғлоқи бўлса, бу нарса кейинчалик унинг жаҳлдор, худбин ва ҳар нарсадан кайфиятининг тез бузилишига сабаб бўлади. Ота-онасига йўлда учрайдиган дўстлардан хоҳлаган нарсасини олиб беришни талаб қилиб, шу нарсага эришмаса ерда юмалаб тўполон қиладиган болаларни жуда кўп учратишимиз мумкин. Булар ҳаммаси бола онгини салбий тушунчаларга тўлдириб, кейинчалик тузатиб бўлмайдиган иллатларга олиб келиш эҳтимолини кучайтиради. Кўпинча бу нарсага ота-оналар “бола бўлгандан кейин йиғлайди” деб эътиборсиз қарайдилар, лекин гўдақлигиданоқ бу нарсанинг олдини олиш мумкинлигини билмайдилар. “Бола бошидан” деганлари бежизга эмас, у нимага ўргатилса, шу нарсага ўрганади ва бу хусусиятлар келажакда учун пойдевор ясади. Инсон табиати шундай яралганки, фойдали хусусиятлардан кўра кераксиз нарсаларни тезроқ қабул қилади. Шунинг натижасида кўпчилик иллатлар шакллана боради. Бунинг олдини олиш мақсадида тарбиячи-лар бошидан бола билан салгина кўринган “шўхликларига” эътибор бериб, бу салбий ҳолатларга қарши курашишга боланинг ўзини ўргатишлари керак. Энг

самарали йўллардан бири, болада виждон туйғусини гўдақлигиданоқ тарбиялаш. Бу ниҳоятда қийин вазифа, чунки қуруқ гап ва маслаҳат билан натижага эришиб бўлмайди. Самарали йўл танлаш эса болага нисбатан катта масъулият ва эътиборни талаб қилади. Гўдак чин дилдан унга бўлган қизиқишинингизни пайқаса, барча айтган гапларингизни тўғридан-тўғри қабул қилади ва кейинчалик фақат яхшиликка, эзгуликка интилиб улғаяди. Бу борада энг асосийси, бола ҳар бир қиладиган хатти-ҳаракати учун жавобгарлиқни ҳис қила бошлайди. Бу, ўз навбатида, ҳар қандай ахлоқсизликдан уни сақлайди. Бола ёшлигида фақат ўз ҳис-туйғулари билан яшайди, унда нима яхшию нима ёмон деган тушунчалар бўлмайди. Улғайиш жараёнида асталлик билан иродани тарбиялаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ёш гўдақда ирода тушунчасини тарбиялаш самара бермайди, бу даврда турли маслаҳатлар ва мантқиқий исботлар билан уни чарчатмаслик зарур, бола психикаси бундай ахборотни қабул қилишга тайёр эмас, бу даврда у фақат ўзига ёққан нарсалар билан шуғулланишни хуш кўради.

Оилала тарбия асосан “қилма, қўй, жим ўтир, кўп гапирма ва ҳ.к” сўзлардан иборат бўлади. Кейинчалик эса ота-оналар нима учун ўғлим (қизим) бош кўшмайди, гапни олмайди, “қулоқсиз” дея ҳайрон қолишади. Аслида ўзлари бошида лоқайдлик қилиб, анчагина эътиборсизликлари туфайли бундай ҳол келиб чиққан, халқимизда бе-корга айтилмаган, нима эксанг, шуни ўрасан, деб.

Хўш, бола катталарнинг айтганини қилиши учун нима қилиш керак? Болани ўрганиш, унинг кайфиятига қараб мослашиш зарур. Доимо ҳам сизнинг айтганингиз бўлавермайди, буни ҳам ҳисобга олинг. Асосийси унинг қизиқишларини ва фикрини ҳамма вақт инобатга олинг. Ўтказаятган сўхбатларда асо-

сий эътиборни унга қаратинг, ўзингизни иккинчи даражага суриб қўйсангиз ҳам бўлади, унутманг, бу вақтинчалик, ахир, сиз бола тарбиясидек муҳим вазифани бажаряпсиз, бу эса дунёдаги энг сеҳрли, серқирра ва топишмоқ каби қизиқ масала. Маслаҳатгўйликка ўтиб кетманг, фарзандингиз буни сиздан ҳам олдин пайқайди ва “яна ўша гап” деган хулосага келади, кейинчалик бу ҳол ҳар қандай масаланинг ечимини чиғаллаштиради. Унинг фикри сиз учун қанчалар муҳим эканлигини билди-ринг, керак бўлса баъзи ҳолларда (масалан: уй юмушларида, ёки ишингизда) ундан маслаҳат сўраб туринг. Шу йўл орқали вақт ўтиши билан фарзандингизнинг ҳамма ички кечинмаларидан хабар то-пасиз, чунки у сизга ишониб ҳамма сирларини айта бошлайди, энг яқин кишига айланасиз. Ота-оналарнинг кўпчилиги “ахир биз ота-онамиз-ку, нима десак ҳамма айтганимизга қўнмиш шарт” дея хато қилишади. Фарзандларимиз биз ўйлаганчалик осон-гина ҳамма нарсага қўнавермаслигини олдиндан пайқашимиз керак ва вазиятни ижобий томонга буриб, ҳар қандай тўсиқни яхшиликча ҳал қилсак, мақсадга эришишимиз осон кечади.

Аслини олганда, тарбияга элтувчи энг узоқ йўл — маслаҳат йўли, энг қисқаси — намуна йўлидир. Шунинг учун бўлса керак, яхши ота-онадан ёмон фарзанд туғилмайди. Лекин ҳаётда ҳар қандай воқеаларнинг гувоҳи бўляпмиз. Кўчанинг таъсири го-ҳида оиланикидан устун чиқади, шуни ҳисобга олган ота-оналар фарзандларининг қўни-қўшиллар, синфдошлар ва ўртоқларига катта эътибор бериш-лари керак. Бу борада тақиқлаш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Бола жамиятда ўз ўрнини топи-ши учун кўпчилик билан муносабат қуришни ўрга-ниши зарур. Фарзандингиз атрофида сиз ёқтирмай-диган ёшлар пайдо бўлганини сезсангиз, бирдани-га қарши курашга ўтманг, имкон беринг, балки ай-нан сизнинг фарзандингиз кимнингдир ёмон йўлга кириб кетмаслигига сабабчи бўлар.

Гулшан ХУДОЁРОВА,

ТАТУ Қарши филиали ўқитувчиси

Сурат учун дақиқалар кифоя

Деновадаги "Гулнора" хусусий корхонаси кўп тармоқли жамоалардан бири ҳисобланади. Бу ерда ўндан ортик турда хизмат кўрсатилмоқда. Мижозлар замонавий сураткашлик шохобчалари фаолиятдан ҳам беҳад мамнун. Дарвоқе, хусусий корхонага қарашли "Гулнора" ва "Орзу" суратхоналари соғлом рақобат майдонида басма-бас ишлашяпти. Мухлисларнинг танлови, шубҳасиз, кўрсатилаётган хизмат сифати билан бевосита боғлиқ бўлмоқда.

— Ҳар иккала шохобчамизда ҳам ёшлар меҳнат қилишмоқда, — дейди "Гулнора" хусусий корхонаси раҳбари, "Ташаббус-2007" республика кўрик-танловининг совриндори Гулчехра Ҳайдарова. — Улар амалдаги ахборот асри талабига мос тезкор ва юқори сифатли ишлашни маромига етказиб уддалашмоқда.

Дарҳақиқат, илгари суратни тайёр ҳолга келтириш учун камида 3-4 кунлик муддат ўтарди. Энди эса кутишга дақиқалар ҳисобланмоқда, холос. "Гулнора" суратхонасидан чиқиб келаётган Шерзод исмли ўсмир билан мулоқотимиз бунга далил бўла олади.

— "Гулистон" маҳалласида яшайман, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортини олиш учун суратта

тушдим. Бир йўла олиб қайтпаман.

— Чамаси қанча кутдингиз?

— Суратхона гавжумлиги сабабли ўн беш дақиқалик вақтда суратим тайёр бўлди.

— Хурсандмисиз?!

— Албатта, Шухрат ака бошлиқ жамоага катта раҳмат, дейман.

Бундай оддий ва самимий дил изҳорларини қозонишга Шухрат Исломов бошлиқ гуруҳ осонликча эришяётгани йўқ. Энг муҳими, улар ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлашни пухта эгаллаб олишган. Япония, Хитой ва Германияда ишлаб чиқарилган дастохлар иш бошланишидан то охирига қадар ўзига хос масъулият талаб этади. Гап шундаки, рақамли дастёр олдинги фотоаппаратга қараганда анча меҳна-

ти кам, аммо ўта маҳоратталабдир. Дарвоқе, суратхонага келган ёшлар оила қувончи бежиз диққатимизни тортмади. Улар кулиб турган бир ёшли қизалоқнинг суратига боқишар экан, оталик ва оналик бахтидан мамнунликларини шундай билдириб туришарди. Сураткаш Анастасия Нефёрова эса бекиёс маҳорати мевасига яна бир бор муносиб баҳо олаётганидан беихтиёр севинди. Ўз навбатида, ҳамкасби Собиржон Ҳамроевга компютер жилоларини ўрнига қўя билгани учун миннатдорчилик билдирди. Зеро, ҳамжиҳатликда яратилган мўъжиза қувноқ қизалоқ — Дилдорани вояга етказяётган ёш оила аъзоларининг севинчини лиммо-лим қилгани рост эди!

— "Орзу" суратхонаси билан ёнмаён фаолият кўрсатяпмиз, — дейди Шухрат Исломов. — Биз бир-биримизга ҳеч қачон халақат бермаймиз. Аксинча, бир-биримиздан ўрганиб ва ўргатиб тураемиз. Тажриба борисида бирон янгилик яратсак, албатта хабардор бўламиз.

Баъзи ҳамкасбларимиз мижозни қақриб, суратга тушишини таклиф этишади. Биз эса ихтиёрий равишда

эшиклан келган кишини табассум билан кутиб оламиз ва муомала маданиятини ўрнига қўямиз.

"Гулнора" хусусий корхонасининг "Гулнора" суратхонаси амалдаги Баркамол авлод йили мобайнида ҳам энг кўп мижозларга хизмат кўрсатишди. Булар орасида мактабнинг "Алифбе байрами" қатнашчиларидан тортиб, мактаб, академик лицей, касб-хунар коллежлари битирувчилари салмоқли ўринни эгаллашди. Шу билан бирга, халқимизнинг "Наврўз" байрами сайлларидан ҳам эсдалик суратлари ишлаб берилди. Айни пайтда суратхонада йиллар оша сарғайиб қолган расмларни реставрация қилиш хизмати кенг йўлга қўйилган.

Ахборот-коммуникация технологияларига таянган хизматнинг кўпайганидан кўпайгани яхши. Негаки, у тезкорлиги сифати билан мижозларни мамнун этмоқда. Олқиш олаётган касбдошлар орасида деновлик Шухрат Исломов бошлиқ ёш сураткашлар гуруҳи борлиги янада қувонарлидир.

*Норматожи ЗИЕЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири*

Ўқув семинари

Тошкент телеминорасининг мажлислар залида "РРТМ" ДУК ва унинг таркибий бўлинмаларида иш юритиш ва ижро интизомни тартиб-қондаларини мукамал ўрганиш, такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш бўйича ўқув семинари бўлиб ўтди.

Семинарни "Али Сабрий" адвокатлик фирмаси раҳбари Маҳмадали Турғунов 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги сўзлаган нуқти ҳақидаги маърузаси билан очиб берди.

Мақсуд ўқув семинарида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги иш юритувчиси Сабура Нуғманова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги "Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 1999 йил 29 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида" ги қарорлари талаблари тўғрисида гапирди.

Давлат алоқа инспекцияси мутахассиси Илҳом Рустамов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 29 декабрдаги 416-буйруғи билан тасдиқланган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ташкилий бошқарув ҳужжатлар турлари, таркиби ва расмийлаштирилиши раҳбарий ҳужжати" (РН45-221-2009) талаблари ва ХФУ ҳужжатлар билан ишлаш тўғрисида сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий архиви бўлим бошлиғи Жавлон Расулов Ўзбекистон Республикаси архиви тўғрисида қабул қилинган қонун моҳияти, мазмуни ва ижроси мавзусида сўзга чиқди.

Асрор ҚАЮМОВ

Истиклолимиз шарофати, Юртбошимиз раҳнамолиги, халқимизнинг азму шижоати билан катта микёсдаги қурилиш-бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган Наманган шаҳри кун сайин яшанаб-яшариб, обод ва озод мамлакатимизнинг энг гўзал гўшаларидан бирига айланиб бормоқда.

Мухтарам Президентимизнинг ўтган йил ёзида шаҳримизга ташриф буюриши, Наманганимизни энг чиroyли, обод масканга айлантириш юзасидан берган қимматли маслаҳатлари, йўл-йўриқлари халқимизни гўё уйғотди, қалбларимизга ўзгача кучгайрат, шижоат бахш этди.

Юртбошимизнинг «Наманган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори асосида қурилган «Яшил деҳқон бозори», «Ёшлар маркази» Конституция кўни арафасида фойдаланишга топширилди.

Бозорни реконструкция қилиш ва худудини ободонлаштириш, автомобиль қўйиш жойлари, савдо ва бошқа объектлар қурилиши учун республика ОАТ «Алоқабанк»дан

Янгилашиш сари



катта маблағ ажратилди.

«Яшил деҳқон бозори» очилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Наманган вилояти ҳокими Баҳодир Юсупов, шаҳар ҳокими Илҳомитдин Ботиров, ОАТ «Алоқабанк» раиси Коммуна Ирисбековлар иштирок этишди.

Наманган вилояти учун «Матбуот тарқатувчи» АК томонидан 13,2 миллион сўмлик янги замо-

навий матбуот шаҳобчасининг ўрнатилиши бозорнинг файзига файз қўшди. «Яшил деҳқон бозори»да замонавий матбуот шаҳобчаси ишга туширилиши, у ерда сотилажак газета, журналлар ва китоблар халқимиз маънавиятини оширишга хизмат қилади деб ишонамиз.

*Ш.ТОШТЕМИРОВ
Наманган вилояти*

Хулосат

Чин олим хийладан узокдир, узок,
Нурнинг ўз сояси бўлмайдиган чок.

Амир Хусрав ДЕХЛАВИЙ

Ҳуқуқий маданият —

Тошкент шахрининг Фафур Гулом номдаги маданият уйида “Баротхўжа” маҳалласи ҳудудида жойлашган 206, 213, 215-мактабларнинг жамоалари билан ҳамкорликдаги “Буюк бунёдкорлик ишларимизнинг ҳуқуқий асоси” деб номланган, давлатимизнинг асосий комунига бағишланган тadbир кизикарли ўтди.

— Агар юртимизда нишонланганидан тантаналар ва муҳим саналар сабабли янги китобхона зиё масканимиз эшигидан кириб келишса, доимо бошимиз осмонга етди, — дейди Тошкент вилояти «TURON» ахборот-кутубхона маркази ходими Дилфуза Турсиматова. — Бу йил кутубхонамизнинг янги реконструкция қилинган биноси фойдаланувчиларга топширилди. Мақсадимиз китобхоналаримиз сонини янада кўпайтириш, фойдаланувчиларимиз қанча кўп бўлса, биз уларга хизмат қилишдан мамнун бўламиз.

Ушбу зиё масканида яратилган шароит нафақат тала-

ба ёшларни, балки Ҳамза тумани ҳудудидаги Курувчилар кўчаси фуқароларининг ҳам эътиборини тортган. Улар бу ерда ўзларини қизиқтирган бадийи ва соҳага оид адабиётлардан унумли фойдаланмоқдалар.

— Ёшларга тарбия бериш муҳим иш, — дейди “Баротхўжа” маҳалласи йигини раиси Сайфулла Қўзибоев. — Улар руҳиятини, дунёқарашини англаб етиб, кейингина улар билан бирга ишлашимиз керак. Ўзмири шаҳсан танимай, бўшқача айтганда, у билан дошқашмай туриб, тарбиявий иш олиб бориб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йил-

АСОСИЙ ОМИЛ

лигига бағишланган тadbирда Миробод тумани ИИБ про-филактика ноziри майор Боқивой Содиқовнинг ёшлар ва аҳоли билан олиб бораётган ишлари ҳақидаги сўхбатни йи-рилганлар эътиборини тортди. Жиноятчиликнинг олдини олишда маънавий тadbирларнинг ижобий таъсир этиши ҳақида баҳс-мунозаралар ҳам бўлиб ўтди.

Ёшлар ҳаётида ҳуқуқий маданиятнинг ўрни беқарб. Тadbирда ташкил этилган китоблар кўргазмаси ана шу ҳақда бўлиб, бу адабиётлар орқали ёшларимиз эртанги кун эшикларини очишга қалит топа оладилар.

Мақтаб ўқувчилари томонидан тайёрланган театрлаштирилган томошалар ҳам ёшларимизнинг ҳуқуқ ва бурчларини нечоғлиқ билишларига бағишланди.

Давронбек РАЖАБОВ

Китобсеварлар маскани

Фаргона шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги ахборот-ресурс маркази шаҳардаги 41та умумтаълим мактаби, 4та мактаб-интернат, болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази ўқувчиларига намунали хизмат кўрсатиб келаётир.

— Марказимизда маънавий, компютер, услубий хоналари ҳамда ўқув зали — қироатхона мавжуд бўлиб, китобхоналар учун барча қўлайликлар яратилган, — дейди марказ раҳбари Матлубахан Турунова. — Марказимиз, ўқув қўлланмалари, бадийи, сиёсий, илмий адабиётлардан иборат 17 мингдан зиёд китоб захирасига эга. Бу ерда долзарб мавзулардаги китоб кўргазмалари, тарғибот воситалари ташкил этилган. Китоб тарғиботи бўйича тadbирлар, сўхбатлар, адабий кечалар ўтказилмоқда. Ходимларимиз ҳозирда уч минг нафардан зиёд ёшларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатишмоқда.

Президентимиз И.Каримовнинг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”-ги қарорини дастуриламал қилиб олган ушбу маърифат маскани ходимлари иш фаолиятини такомиллаштириш борасида фаол меҳнат қилмоқдалар.

“Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида бевосита фаол китобхоналари жалб этган ҳолда китобсеварлар учун жуда кўплаб қизикарли тadbирлар ўтказилди. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатларнинг самарали бўлишида марказнинг сўнгги русумдаги компютер технологиялари билан таъминлангани жуда қўл келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шуни эътироф этиш керакки, бу ерга келувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Аслида касбнинг каттаю кичиги бўлмайди. Энг муҳими, ҳар бир инсон касб-ҳунари орқали жамиятга озми-кўпми фойдаси тега, бу ўша инсон учун катта бахт, шараф ҳисобланади. Масъуджон ҳам ана шундай оддий, аммо шарафли касб эгасидир.

Унинг номини тумандаги энг олис “Тул” қишлоғидаги кексаю ёш хурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас, албатта. У бир неча йилдан буён “Ўзбекистон

Касбини эъзозлаб

почтаси” ОАЖ Фаргона филиалининг “Равон” почта алоқаси тармоғида почтачилик касбини чин дилдан эъзозлаб, миждозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб, уларнинг ҳурматида сазовор бўлаётир. Муштарийларга кундалик матбуот нашрларини, хат-хабар, телеграммаларни кечиктирмай ўз вақтида етказиб беришга ҳаракат қилмоқда. 600дан зиёд отахону онахоналар, ногиронлар, уруш қатнашчиларига нафақа тўловларини етказиб, уларнинг дуосини олмоқда.

Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилишда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда.

Ишчан почтачи Масъуджон Жўраев мактабгача муассасалар, корхона, ташкилот, муштарийлар ҳузурда бўлиб, уларни 2011 йил учун даврий нашрларга обуна қилишда ҳам арзигулик ҳисса қўшмоқда.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фаргона филиали жамоаси Фаргона шаҳар почта алоқаси тармоғи ходими Асду ХУҲАЕВни 55 ёши билан, Тошлоқ тумани почта алоқаси тармоғи ходими Раҳматжон ҚАМБАРОВни 50 ёши билан, чин юракдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахти-камолини кўришлигини тилайди.

“Фаргона Телеком” филиали жамоаси Тошлоқ туман телекоммуникациялар боғамаси ходими Абдураҳим МАЛЛАБОВни муборак 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга сизхат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришлигини тилайди.

ЭЪЛОН!

ТАТУ РРТ факултети томонидан 3-босқич талабаси Ойбек Алибоев номига 2010 йилда берилган 828-08 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Зарарли одатлар орасида инсон саломатлиги ва унинг тақдири учун ҳам, жамият учун ҳам энг хавфлиси бу гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандлик деганда инсон организмнинг наркотик ва психотроп моддаларни муттасил равишда ошиб борувчи миқдорини қабул қилишга мойилликнинг шаклланиши билан боғлиқ оғир касалликлар гуруҳининг ривожланиши тушунилади. Гиёҳвандлик — шахс руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига, шунингдек, тана ички аъзолари фаолиятининг жиддий зарарланишига олиб келади. Гиёҳвандлик наркотик хусусиятига эга бўлган ва қонун билан тақиқланган кимёвий наркотик моддаларни ёки дори-дармонларни истеъмол қилиш натижасида ҳам шаклланади.

Гиёҳвандликка олиб келувчи омиллар қаторида айрим одамларга хос иродасизлик, шунингдек, ўзининг нуқсонли табиати, қобилиятсизлиги туфайли одамлар ўртасида мулоқот ўрната олмаслиги каби салбий таъсирлардан қутулишга интилиш сингари ҳолатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ўзмириларда эса гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи катталарга тақдид қилишга мойиллик,

ГИЁҲВАНДЛИК — АСР ВАБОСИ

гиёҳванд моддаларнинг «мўъжизали таъсирига» ишонувчанлик, кўпчиликнинг иродасига сўзсиз бўйсунуш каби хусусиятлар уларнинг ушбу оғу тузоғига тушиб қолишига сабаб бўлади.

Гиёҳванд моддаларни муттасил истеъмол қилиш инсон шахсини қашшоқлаштиради, иродасини бўшаштиради, меҳнат қобилиятини пасайтиради. Гиёҳванд моддалар таъсирида асаб тизими ҳужайралари ҳалок бўлади, организмнинг иммун ҳимоя хусусияти пасаяди, ёмон сифатли ўсмалар (рак) ўсиши фаоллашади. Инсоннинг умри қисқаради. Бундай инсонлар бевақт ўлимга маҳкумдирлар. Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилган шахсининг жамият билан алоқаси бузилиб, турмушда ва жамиятда ахлоқий нопокликларга йўл беради, жиноятларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Гиёҳвандлар ўта хавfli касаллик бўлган ОИТС касалигини тарқатувчи асосий манбага айланиб қолади, бундайларнинг келажаги йўқ.

Гиёҳвандлик — дунё миқёсида XX асрдан XXI асрга ўтган иллат-фожеа бўлиб, нафақат ўша шахсини, балки инсониятни емиради, ҳалокат жари ёқасига олиб бориб, қашшоқликка, стим-есирликка, бахтсизликка, турли касалликларга сабаб бўлади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, ер шаримизда 500 миллион гиёҳванд қайд қилинган бўлиб, умумий аҳолининг 8 фоизини ташкил этади. Уларнинг 90 фоизи болалар ва ёшлар ҳисобига туғри келмоқда. Кўриниб турибдики, гиёҳвандлик ёшлар ўртасида, айниқса, кенг қулоч ёймоқда.

Мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кураш, унинг олдини олиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Гиёҳвандлик нечоғлиқ фожеа эканлигини тўла англаб, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз соғлиғига масъулиятни ошириши, уни мустақкамлашга онгли муносабатда бўлиши, соғлом турмуш тарзи талабларига риоя қилишни таъминлашга етарли эътибор қаратиши лозим. Ўйлаб кўринг, ҳеч бир киши ондан гиёҳванд бўлиб туғилмайди. Унинг мамлакатимиз ҳудудида қулоч ёйишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳар бир фуқаро, оила, маҳалла, ташкилот; идора, мактаб, олий ва ўрта махсус билим юрглари, вазирлик, кўмита, жамғармаларнинг бурчидир.

Қарантки, 70 фоизга яқин қотилликлар, 80-90 фоиз безориликлар гиёҳванд модда истеъмол қилувчилар томонидан содир қилинар экан. Ахир, бу фожеаку!

Хўш, ана шундай нохушликлар-иллатларга ким айбдор? Албатта, оғу сотувчилар дерсиз. Йўқ, бунга барчаси айбдоримиз. Бизнинг эътиборсизлигимиз, бефарқлигимиз оқибатида шундай иллатлар қулоч ёймоқда. Бунга сабаб, ота-оналарнинг оила, турмуш, жамият ишлари билан бандлиги, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, оилавий низолар, ортиқча бойлик орттиришга ружу қўйиш, болаларнинг керагидан ортиқ таъминланганлиги ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Унутмаслик керакки, оиланинг соғлом турмуш тарзи, соғлом муҳит, маърифий ва маънавий дунёқараши, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, эътиқоди кабилар фарзандларни гиёҳвандликдек иллатлардан асровчи омиллардир.

Наргиза САЛИМОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси,
Юнусобод тумани 1-Давлат нотариал
идораси нотариуси

Параолимпиячиларимиз Гуанчжоуга йўл олди

Ўзбекистонлик параолимпиячилар 12-19 декабр кунлари бўлиб ўтadиган Параолимпия уйинларида иштирок этиш учун Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрига жўнаб кетди.

Спортчиларимиз анъанага мувофиқ пойтахтимиздаги ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтadиган Параолимпия уйинларида қўғамизнинг 45 давлатидан 5 мингдан зиёд йигит-қиз спортнинг 19 тури бўйича беллашади. Мазкур нуфузли мусобақада 26 нафар параолимпиячимиз дзюдо, снгул атлетика, камондан ўқ отиш, пауэрлифтинг ва милтикдан ўқ отиш бўйича голиблик учун куч синашади.

Шарқ яккакурашлари фестивали

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуида шарқ яккакурашлари ва жанг санъати халқаро фестивали бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика маркази ҳамда бир қатор спорт федерациялари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалда турли номинациялар бўйича жорий йилдаги мавсумнинг энг яхши спортчи, мураббий ва федерацияси аниқланди.

Муай-тай бўйича Осиё чемпиони Фирдавс Холмуродов ҳамда кураш бўйича Ситнингборн шаҳрида (Буюк Британия) ўтказилган “Ислам Каримов” анъанавий халқаро турнири совриндори Уғилой Нуралиева “Йилнинг энг яхши спортчиси”, таэквондо ITF бўйича Ўзбекистон терма жамоаси мураббийи Фахриддин Умаров “Йилнинг энг яхши мураббийи”, Ўзбекистон шотокан карате-до ассоциацияси “Йилнинг энг яхши федерацияси” деб топилди.

Жамоалар куч синашди

2010 йил 4 декабр куни Хоразм вилояти алоқа соҳаси тизимидаги филиал, корхона ва ташкилотларнинг эркаклар жамоалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига бағишлаб волейбол мусобақаси ўтказилди.

Мусобақада “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали, “Матбуот тарқатувчи” ШК, ТАТУ Урганч филиали, ОАТ “Алоқабанк” Хоразм филиали, Хоразм Радиотелевидение узатиш маркази, 9-Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси ва ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицей жамоалари иштирок этишди.

Жамоалар иккита гуруҳдан жой олиб, уйинлар давра тизимида ўтказилди. Гуруҳларда-

ги барча жамоаларнинг кучлари тенг бўлиб, мусобақа жуда қизгин тус олди. Натижада ўз гуруҳларида 1-2 ўринларни эгаллаган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали, “Матбуот тарқатувчи” ШК, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ва ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицей жамоалари ярим финалга йўллангани кўлга киритишди. Ярим финал баҳсларини муваффақиятли якунлаган “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали, “Матбуот тарқатувчи” ШК жамоалари финалда бир-бирига рўбарў келиб, шиддатли ўтган баҳсда почта йигитлари зафар кучишди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда ТАТУ Урганч филиали жамоаси Акаде-

Муносиб тақдирланишди

Жорий йилнинг 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Осиё уйинларида Ўзбекистон спортчилари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медал жамғариб, умумжамоа ҳисобида кучли саккизликдан жой олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 1 декабрда қабул қилинган фармойишига биноан Осиё уйинларининг голиб ва совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкентдаги “Олимпия шон-шўхрати” музейида Осиё уйинлари голиблари ва совриндорларини шарафлашга бағишланган маросимда мукофотлар ўз эгаларига топширилди.



Ҳамюртларимиз муваффақияти

Россиянинг Медин шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва кумуш ҳамда иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади.

Дунёнинг қирқдан зиёд давлатидан энг кучли спортчилар иштирок этган мусобақада ҳамюртимиш Дилшод Субҳонов шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Юрдошларимиздан Жамол Омонов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Сирожиддин Эшонбоев ва Нуриддин Долимов бронза медални қўлга киритди.

Ўртоқлик уйинлари: галаба ва дуранг

Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий сайтининг хабарига кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тунисдаги ўзининг иккинчи ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Бу сафарги рақибимиз Тунис маҳаллий чемпионатида 7-ўринда бораётган «CS.Nammam Lif» жамоаси бўлди.

Учрашувнинг 25-дақиқасида Меҳди Мергени бизнинг дарвозамизга тўп киритган. Орадан 10 дақиқа ўтгач Александр Гейнрих жарима тўпидан ҳисобни тенглаштирган. Шундай қилиб, учрашув 1:1 ҳисобида ўз ниҳоясига етган.

Йиғиндаги биринчи учрашув 4 декабр куни “JSK” жамоасига қарши бўлиб ўтган ва унда терма жамоамиз Олим Навхаровнинг ягона голи эвазига 1:0 ҳисобида галабага эришган эди.

мик лицей жамоаси устидан галаба қозониб, учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Мусобақа якунида Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси З.Бобожонова мусобақа қатнашчиларига бирлашган кўмитанинг эсдалик совгаларини топширди.

Яқиний натижа куйидагича:
I ўрин: Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали.

II ўрин: “Матбуот тарқатувчи” ШК

III ўрин: Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали.

А. САЛАЕВ,
Хоразм вилояти алоқа ходимлари БКУҚ спорт бўриқчиси

ОФК кубоги: «Насаф» ва «Шўртан»нинг рақиблари маълум

Мазкур ҳафтада 2011 йилги ОФК кубогининг гуруҳ босқичига қўрға ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, мазкур мусобақада юргимиз шарафини ҳимоя қиладиган «Насаф» ва «Шўртан» клублари «А» ва «В» гуруҳларидан ўрин эгалладилар. Қаршиликлар Ливаннинг «Ал-Ансор», Яманнинг «Ат-Тилол» ва ОЧЛ саралашининг 2-босқичидан (албатта Фарб минтақасида) ўтолмайдиган жамоа билан бир гуруҳда тўп суралган бўлдилар. Эдгар Гесс шогирдлари эса ўша ОЧЛ саралашининг биринчи босқичида мағлубиятга учрайдиган жамоа, Яманнинг «Ас-Сақр» ва Кувейтнинг «Ал-Қодисия» клублари билан «В» гуруҳида куч синашадилар. «Шўртан»нинг асосий рақобатчиси ОФК кубоги-2010 да финалгача етиб борган «Ал-Қодисия» клуби бўлади. «Насаф» мусобақани 1 март куни Қаршида Ливаннинг «Ал-Ансор»ига қарши бошлаб, 11 май куни яна Қаршида «Ат-Тилол» билан ўйинни тугатади. Ҳузурликлар эса илк учрашувдаёқ «Ал-Қодисия» меҳмони бўлишади. «Шўртан»нинг сўнгги ўйини «Ас-Сақр» майдонида бўлиб ўтади.

Шуниси эътиборга молиқки, «Насаф» ва «Шўртан» жамоалари ҳеч қачон бир вақтнинг ўзида ё уйда ёки сафарда ўйнамайди — бири сафарда ўйнаса, иккинчиси уйда ўйнайди.

«Бунёдкор» ва «Пахтакор» ҳам рақиблари номини билиб олди

Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига ҳам қўрға ташлаш маросими ўтказилди. Қўрға механизмига кўра, Ўзбекистоннинг «Бунёдкор» ва «Пахтакор» клублари «В» ва «С» гуруҳларига тушиши аниқ эди. Қўрға жамоаларимизнинг ўрнини аниқлаб берди: «Пахтакор» — «В», «Бунёдкор» — «С» гуруҳида.

Жамоаларимиз ўрин эгаллаган гуруҳлар таркиби анча жиддий. «Қалдирғочлар» ўз гуруҳларида ўтган йилги эски танишлари — Саудиянинг «Ал-Иттиҳод» ва БААнинг «Ал-Ваҳда», яна бир эски таниш — Ривалдонинг пеналтидан урган голи эвазига нимчоракда мағлуб этилган «Перузи» («Персеполиси») клублари билан бир гуруҳда куч синашадиган бўлди.

«Пахтакор» эса Эроннинг «Истиклол», Саудиянинг «Ан-Наср» ва Фарб минтақаси саралаш гуруҳи голиби (бу Қатарнинг «Ас-Садд» клуби бўлиши ҳақиқатга яқинроқ) билан тўп суради.

Этиборли жиҳати, ўтган йили ҳар иккала жамоамиз Исфаҳондаги «Фулад Шаҳр» стадионида ўйинларни ўтказишганди. Бу сафар вакилларимиз машҳур «Озодий»да ўйнайдиган бўлдилар.

«Пахтакор» мусобақани 1 март куни «Ан-Наср»га қарши ўйин билан бошласа, Қосимов шогирдлари 2 март куни Абу-Дабида «Ал-Ваҳда»ни синовдан ўтказишади.

Ҳам кундай, ҳам даво

Мана, тўкин-сочин куз фаслининг ҳам сўнгги кунлари ўтиб, “қиличини судраб” киши фасли ташриф буюрди. Киши келиши билан одамларда фаслга хос касалликлар авж олишини яхши биламиз. Булардан бири камқонликдир. Қолаверса, бу фаслда дармондориларнинг етишмаслиги ҳам юзага келиб, танамизда қувватнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунини эътиборга олиб, ўзингиз ва оилангиздагилар саломатлиги учун муҳим деб билган айрим тавсияларимизни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Аввало, камқонликнинг қаердан келиб чиқishi ҳақида фикр юритсак. Айримлар бунинг сабабини иқтисодий қийинчилик туфайли яхши овқатланмасликдан деб тушунадилар. Аслида эса камқонликнинг асосий сабаби овқатланиш тартиби ва қоидаларига риоя қилмасликда, десак тўғрироқ бўлади. Ваҳоланки, қовурилган гўшт, туҳум, кабоб ва қазӣ, оқ нон, шоколад, новвот, торт еб юрадиган одам камқон бўлиши мумкин. Ёки асинча, доимий равишда сувда ёки буғда пишган гўшт, қайнатма овқатлар, дуккакилар, мева-сабзавот, шакар истеъмол қиладиган одам-

ларнинг бу борада муаммоси бўлмаслиги маълум. Камҳаракатлик, пиёда кам юриш, бир жойда узоқ ўтириш, кўп ётиш бу касалликнинг авж олишига сабаб бўлувчи омиллардир.

Халқ табобатида мазкур касалликка қарши бир қанча даво усуллари мавжуд. Куйида биз тавсия қилмоқчи бўлган даво чоралари энг кўп синалган, турли зарарли оқибатлардан холи эканлиги билан ажралиб турувчи усуллардир. Улар нафақат даво, балки тўйимли озуқа вазифасини ҳам бажаради. Қолаверса, зарур бўладиган маҳсулотлар алоҳида харажат ҳам талаб этмайди.

Буғда пишган пиёзни қийма ва суви қочган нон билан аралаштириб, кунига икки ёки уч марта истеъмол қилсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

200 грамм қизил лавлагини майда тўғраб, унга ювиб, тўғралган 200 грамм туршакни қўшамиз. Керакни миқдорда шакар қўшиб, уч литр сувда икки литр қолгунча қайнатамиз. Бу шарбатдан кунига икки, уч пиёладан ичилади. Қизиги шундаки, дастлабки кунданок ижобий ўзгариш юз бераётгани сезилади.

Сабзи шиннисини суви қотган



MASLAHAT

нон билан истеъмол қилиш ҳам жуда фойдали.

Чой ўрнига наъматак дамлаб ичиш, шунингдек, жийда пўстлоғи, тут қоқидан фойдаланиш ҳам яхши самара беради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, соғлигимиз ўз қўлимизда. Овқатланиш тартибига риоя қилсак, сабзавот ва мевани етарли миқдорда истеъмол қилсак, ичиш ва чекиш каби зарарли иллатлардан ўзимизни тийсак, албатта, соғлом бўламиз. Соғлом танда — соғ ақл деганларидек, шунда иш унумимиз ҳам юқори бўлади, оиламизда хотиржамлиги хурсандчилик ҳукм суради.

Дилором РАҲИМОВА,
меҳнат фаҳрийси

➔ FARZANGLARINGIZGA O'QIB BERING

Меҳрибон шифокор, профессор Миржамол Мирёқубов тиш доктори касбини ардоқлаш билан бирга шеърлар ҳам машқ қилади. Ёши саксондан ошиб, тўқсонни қоралаётган отахон қаламкаш бир неча китобларнинг муаллифидир.

Куйида М.Мирёқубовнинг болаларга аталган шеърларидан бири билан танишасиз.

Болалар, бир сўзим бор
Ҳозирча қулоқ солинг.
Яхши эътибор бериб,
Кейинча ёдлаб олинг.

Зарурдир барча аъзо
Соғ-саломат яшашга.
Буг, ҳам соғлом тиш керак,
Маъза қилиб ошашга.

Ари чаққан боладек
Юмилиб қолар кўзи.
Ойнага бир қараса,
Ўзидан кўрқар ўзи.

Оғриқ тишлар кечаса
Уйку бермайди сизга.
Сўнг қайдасиз деб доктор,
Чопиб келасиз бизга.

Курак тишлар бор бўлса,
Нонни тишлаб оласиз.
Агар улар бўлмаса,
Қийналиброқ қоласиз.

Ҳатто юмшоқ таомни
Тишлашга қийналасиз,
Сўзлаганда ҳар сўзни
Хуштак қилиб чаласиз.

Ҳеч нарсага қўл бормас,
Оғриб турса тишингиз.
Мақтабда ҳам юришмас
Ўқишдаги ишингиз.

Тишни соғлом сақлашга
Яна маслаҳатим бор:
Оғзингиз, тишингизни
Ҳар кун чайинг неча бор.

Икки марта ҳар йили
Докторга бориб туриг.
Унга илтимос қилиб,
Денг: “Тишимни бир кўринг”.

Кавак бошланган бўлса,
Оғритмай доволайди.
Кавакларни тозалаб,
Бошлаб пломбагайд.

Барча тишлар бут бўлса,
Бир-бирига мадақкор.
Суянчиқ тушиб кетса,
Бўлар аҳволи ночор.

Тишни ёшиқдан сақланг,
Узоқ умр кўрасиз,
Тиш касалин билмасдан,
Ўйнаб-қулиб юрасиз.

М. МИРЁҚУБОВ



ХАНДАЛАР

— Уста,
машинанинг
сигналлини
баландроқ қилиб
бера оласизми?
— Нега?
— Тормозим
яхши ишламаяпти.

— Мушглашув
пайтида менга
фарқи йўқ, бир
киши бўладими,
юз кишими?
— Шунчалик
ўзингга
ишонсанми,
қанақасига?
— Шунақасига!
Мен барибир
кочиб кетаман.

СУКУНАТДАН ИБРАТ

➔ RIVOYAT

Улуг инсонлар ҳаётида ибратли воқеалар кўп бўлган. Ана шулардан бири номи дунёга таниш ватандошимиз, тасаввуф илмининг султони Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари билан боғлиқ воқеалар.

Ривоят қилишлари-ча, Баҳоуддин На-

қшбанд ҳазратлари ҳузурига бир киши келиб, насиҳат қилишларини сўрабди. Ҳазрат уни ўтиришга таклиф этиб, ўзлари сукутта кетибдилар. Орадан бир оз вақт ўтибди. Шайхнинг эса сукутлари давом этибди. Орадан яна анча вақт ўтгач, бояги кишининг сабри

тугаб, “Ҳазратим, сизнинг ёнингизга насиҳат, ибрат олгани келган эдик, ороққ насиҳат қилсангиз”, дебди.

Нақшбанд ҳазратлари “Бизнинг сукутимиздан ибрат ололмаган одам гапирган гапларимиздан қандай ибрат олади” дебдилар афеус билан.

ЭНГ... ЭНГ... ЭНГ...

● Дунёдаги энг захарли илон — йўлбарс-илон. У Тасманияда яшайди. Ушбу битта илоннинг захри 400 кишини ўлдирар экан.

● Дунёдаги энг катта ханжарсимон мевали ўсимлик Малайзияда ўсадиган ороксалондир. Унинг баландлиги 18 метр. Мевасининг узунлиги 60-120 см., эни 8 см. келади.

● Дунёдаги энг катта молекула органик оламга тегишли бўлиб, бу ДНК ва РНКдир.

● Дунёдаги энг катта калтакесак Комод ва Флорес (Индонезия) оролларида яшайдиган комод эчкиземири бўлиб, узунлиги 3,66 м., оғирлиги эса 160 кг. келади. Энг қизиги, унинг одамларга ҳам ҳужум қилишидир.

● Дунёдаги энг узоқ умр кўрувчи жонзот — бактериялар. Улар ноқулай шароитда спора ҳосил қилади. Бу споралар қуруқ жойда минг йиллаб тириклик хусусиятини йўқотмайди.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2006 йил
6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайфат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил
САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп
НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲИМОНОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда “Xabar” дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ●
Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-1102 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қўроз бичими А-3, ҳажми 4 босма
табоқ. Адади: 10151 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Видеот
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 223-27-85

Гулистонда 40-12-19

Жиззахда 226-06-34

Навоийда 225-91-10

Наманганда 226-61-85

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 233-61-81

Термизда 224-06-12

Тошкентда 288-40-66

Урганчада 226-37-16

Фарғонада 226-87-71

Қаршида 314-08-99